Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
1 август
ШАНБА
№ 61 (12801)

www.th.uz

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ДАВР БИЗНИКИ, ИМКОН БИЗНИКИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга вилоятимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ёшлар бандлиги доимий эътибордаги масалалардан биридир.



Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастурилмал бўлаяпти.

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Азиз Абдуҳакимов, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази директори Умиджон Салимов Зангиота туманидаги маиший хизмат ва тадбиркорлик, қурилиш ва сервис, агросаноат, тиббиёт ҳамда ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларига ташриф буюриб, битирувчилар орасида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган йигит-қизлар билан учрашди. Бизнес лойиҳалари билан танишиб, уларга зарур тавсиялар беришди.

– Коллежни тикувчилик йўналиши бўйича тамомладим, – дейди маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мадина Қўчқорова. – Шу соҳада ўзимнинг шахсий бизнесимга эга бўлишни кўпдан бери орзу қилардим. Вилоятимиз ҳокими ва бошқа мутасадди раҳбарлардан бизнес юритишнинг ўзига хос усуллари, бозор талаби, мижозлар билан ишлаш бўйича зарур тавсиялар олдим. Булар келгусидаги фаолиятимда асқотишига ишонаман.

Вилоятимизда фаолият юритаётган тижорат банклари мутасаддилари, давлат солиқ бошқармаси ходимлари, битирувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда Зангиота туманида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган битирувчиларга ажратиладиган имтиёзли кредитлар, уларни олиш тартиби хусусида ҳам батафсил ахборот берилди.

– Маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини 2014-2015 ўқув йилида 509 нафар йигит-қиз тамомлади, – дейди коллеж директори Саодат Усмонова. – Битирувчиларнинг юксак салоҳиятли кадрлар бўлиб етишиши ва жамиятимизда ўз ўрнига эга бўлишига барчамиз бирдек масъулмиз. Бугунги амалий тадбир ҳам айни шу мақсадда ўтказилди. Битирувчиларимиздан Жаҳонгир Абдураҳимов 15, Давронбек Қурбонов эса 6 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди.

Маълумотларга кўра, жорий йилда вилоятдаги 122 касб-ҳунар коллежини 37 мингдан зиёд йигит-қиз 106 мутахассислик бўйича тамомлайди. Битирувчилар 2014-2015 ўқув йили давомида 15 мингдан зиёд корхона ва ташкилотда амалиёт ўтаган, уларнинг қарийб 99 фоизи билан уч томонлама шартнома имзоланган. Зангиота туманидаги бир қатор коллежларда ўтказилган мазкур тадбирлар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.





Эндигина тетапоя бўлаётган, беғубор кулгуси-ю шўх-шодон қиликлари билан уйни "бошига кўтариб" ўйнаётган гўдак... Пок ният ва катта орзулар билан мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган келинкуёв... Тўкин дастурхон атрофида фарзанду набиралари қучоғида қўлларини дуога очган нуроний отахон юзидаги шукроналик...

Булар – ҳар куни деярли барчамиз гувоҳи бўладиган кундалик ҳаёт лавҳалари. Бу лавҳаларнинг қаҳрамонлари атрофимиздаги одамлар. Уларнинг кечинмаларини, турмушидан туйган ички қониқишни чинакам бахт деб аташ мумкин.

Хўш, бугунги бахтли ҳаётимиз замирида қандай омиллар мужассам?

ИНСОН БАХТ УЧУН ДУНЁГА КЕЛАДИ

Мустақиллик...

Мустақиллик – озод юртда яшаш, ўз тақдирингни ўзинг белгилаш, келажагингни ўз қўлинг билан яратиш демакдир.

Инсон озод, хур бўлмас экан, унга на шодлик, на фаровонлик татийди. Дон ўзингники бўлмаса, қўлда нонинг омонат, дейди халқимиз. Эркинг ўзингда бўлмаса, ҳар куни ейдиган нонингни ҳам қўлда омонат тутсанг, чинакам бахтни туйиш мумкинми? Йўқ, асло!

Халқимиз бир асрдан зиёд вақт мобайнида мустамлака шароитида, адолатсизлик, зўравонлик исканжасида яшади. Бу йиллар давомида қанчадан-қанча одамлар жисмоний ва маънавий азобларни бошидан кечирди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида "пахта иши", "ўзбеклар иши" деган сохта айбловлар билан уюштирилган қатағонлар қалбларга солган алам ва изтироб ҳануз унутилгани йўқ. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, пораҳўрлик каби иғволар билан кўплаб ҳалол, соф виждонли кишилар айбсиз қамалди, ғурури топталди.

1984 йил 22 мартда ҳибсга олинган Бухоро вилоятининг собиқ йўлпатруль хизмати ходими Видодил Иззатов бундай хотирлайди: "Иванов тўпланганларга қараб: "Танишинг, ўртоқлар, мана бу туркларнинг ёввойи ҳайвони, "иш" вақтида унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги керак", деди... Яна бир сафар навбатдаги дўппослашдан кейин Иванов айтди: "Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай, ҳеч нима ёзиб бермаса, уни учинчи қаватдан ташлаб юборинглар, кейин ўзини ўзи ташлади, деб акт тузиб қўямиз".

Ўша даврда Видодил ака каби минглаб одамлар ноҳақликдан жабр чекди. Ўзбекистонга Ислом Каримов раҳбар бўлгач, халқимиз енгил нафас олди. Янги раҳбар дастлабки мажлисларидаёқ одамларнинг дилини ўртаётган "пахта иши" масаласини кўтарди. Республика раҳбарининг топшириғи билан Ўзбекистон Олий судида махсус ҳайъат тузилиб, тажрибали ҳуқуқшунослар томонидан қирқ минг жилдли "жиноят иши" қайтадан синчиклаб ўрганилди. Шунда Гдлян, Иванов бошчилигидаги "қонун ҳимоячилари" мутлақо бегуноҳ тўрт ярим минг одамни ҳибсга олгани, уларни узоқ йиллар ноҳақ азоблагани исботланди. Асоссиз қатағонга дучор бўлган кишиларнинг орномуси, қадр-қиммати, покиза номи тикланди.

Зўравонлик, ноҳақлик устидан адолат тантанаси халқимизнинг миллий озодликка бўлган интилишини кучайтирди, бу йўлда баҳамжиҳат, дадил қадам ташлашга туртки бўлди.

Давлатимиз раҳбари мураккаб вазиятда адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юртимиз, Ватанимиз учун тарихий ишни амалга оширди: 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Шу куннан эътиборан аждодларимизнинг асрий орзуси ушалди. Мустамлакачилик зулми, адолатсизликлардан зимистон бўлган қалблар зиёга чулғанди. Халқимизнинг қоронғи, рутубатли, ҳазин тунлари нурафшон, мусаффо тонгларга уланди.

Бугун Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш" экани борасидаги фикри ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон, унинг қадр-қиммати, шарафи бебаҳо қадрият сифатида эъзозланмоқда.

– Истиқлол туфайли қаддимиз ҳам, қадримиз ҳам тикланди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, фахрий педагог Турғун Азларов. – Ким, қайси соҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, аввало инсон сифатида қадр топмоқда. Ўзимдан қиёс: халқимиз олдидаги камтарона меҳнатим қадрланиб, Ватанимизнинг энг олий мукофоти билан тақдирландим. Истиқлол йилларида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга ҳисса қўшаётган мен каби ўнлаб ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилгани юртимизда ҳар ким ўз меҳнатининг мевасини кўраётганидан далолатдир.

Тинчлик...

Президентимиз раҳнамолигида халқимиз қўлга киритган энг буюк ютуқ, шубҳасиз, тинчлик-осойишталикдир. Зеро, тинчлик барқарор бўлган юртдагина ислоҳотлар кутилган самарани беради, одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Ҳар тонг хотиржам уйғонамиз, фарзандларимизни боғчаю мактабга кузатамиз. Улардан кўнглимиз тўқ, хурсанд бўлиб ишга жўнаймиз. Кун бўйи режалаштирган ишларимизни бажарамиз. Биз учун одатий ҳолдек туюладиган бу ҳаёт тарзи аслида жуда катта неъмат. Тинчлик туфайли тўйтомошалар байрамларга уланади. Тинчлик туфайли эзгу ниятлар билан барпо этган боғларимиз яшнаб турибди. Заводу корхоналаримиз тўлиқ куч билан ишламоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Она заминни асраб-авайлаш ва унга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, тупроқ унумдорлигини ошириш Ватанимиз бойлигини кўпайтиришга хизмат қилади. Ушбу вазифа қишлоқ хўжалиги мутахассислари, жумладан, олимлардан янгича ёндашув ва замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, улардан унумли фойдаланишни талаб этади.

Тупроқ унумдорлигини оширишда ундаги микроорганизмлар муҳим ўрин тутишини кўпчилик билавермайди. Унумдорликни қайта тиклаш, зарур кимёвий бирикмалар билан бойитиш, бунинг учун муҳим озиқлантириш муҳитини яратиш ва уни тупроқ қоришмасидан ўсимликларнинг илдиз тизимига ўтказиш айнан микроорганизмларга боғлиқдир.

Бироқ, қишлоқ хўжалигининг жадал ривожлантирилиши тупроқ микроблари миқдори ва биохилма-хиллигининг камайиши, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келди. Агар ўсимликлар етарлича озиқлантирилмаса, турли касалликларга чалинади. Бу эса, табиийки, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Баъзи агроном ва ўсимликшунослар кимёвий воситаларсиз мўл ҳосил олиш мумкинлигини тасаввур этолмайди. Аммо, бугун бунинг иложи бор!

Айни пайтда дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кимёвий препаратлар ўрнига самарали микроорганизмлар технологиясидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш концепцияси қайта кўриб чиқилмоқда. Ушбу микроорганизмлар кам маблағ сарфлаб, юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимиз олимлари ҳам ушбу йўналишда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институти томонидан ишлаб чиқилган инновацион ишланмалар энергия ва ресурс тежайдиган янги биотехнологияларни фаол жорий этиш, яъни минерал ўғитларни органик ўғитлар билан бирга қўллаш орқали деҳқончиликнинг биологик принципларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутади. Бошқача айтганда, кимёвий пестицидлар ўрнига биопестицид ва биоинсектицидлар қўлланилади. Бунинг самарасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экологик тоза бўлади ва инсон саломатлиги учун хавф туғдирмайди.

(Давоми 3-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Хонадонимиз пири бадавлатлари бўлмиш отахон-онахонларимизга эътибор ва ғамхўрликни ошириш, айниқса, ёшлар қалбига, онгига ушбу одатларимизни сингдириш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика маънавият ва тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Миллий тикланиш" демократик партияси Оҳангарон туман кенгаши билан ҳамкорликда "Саховат ва мурувват уйлари – ёшлар эътиборида" мавзуида тадбир ташкил этилди.

Давлатимиз, Юртбошимиз томонидан кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг юксаклиги, улар учун амалга оширилаётган самарали ислоҳотларни кенг тушунтириш билан бирга юртимизда истиқомат қилаётган нуронийларимизни қадрлаш, уларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш, бой ҳаётий тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш ҳақида сўз юритилган тадбирда Оҳангарондаги "Саховат" уйида яшаётган қариялар, тумандаги меҳнат ва уруш фахрийлари, таниқли санъаткорлар, шоир

(Давоми 2-бетда).

Август – ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла

ЭКИН ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ

Ўзбек деҳқонлари азалдан қилни қирқ ёришган. Деҳқончиликда ота-боболаримизнинг олдига тушадигани бўлмаган. Мана, яқинда ғалла мавсумини якунладик. Эндиги вазифа ғўза парваришида илғор тажрибаларни қўллаш, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли бажаришдан иборат.

Йилдан йилнинг фарқи бор, дейишади. Бу бежиз эмас. Табиат инжиқликлари биздан ҳар йили мавжуд вазиятга қараб иш кўришни талаб этади.

Бу йилги кўклам анча салқин келиб, экин ривожини сустлаштирди. Бироқ, барча агротехник тадбирларни меъёрида ва вақтида бажарганимиз туфайли бултурги даражада ҳосил тўплашга эришдик. Шу кунларда қиладиган ишимиз кун сайин йириклашиб бораётган кўсак ва янги ҳосил тугунларини тўла сақлаб қолишдан иборат.

"Асад – экинингни ясат" дейишгани рост. Чунки, саратон ва сунбула орасидаги асад ойида ғўза шонаси гулга, гуллар кўсакларга, кўсаклар эса тўлишиб, лўппи пахтага айланади.

Дарвоқе, ҳар йили мамлакатимизда август – ҳосилга ҳосил қўшиш ойи, деб эълон қилинади. Асад ойида бор ҳосилни сақлаш ва уни янада кўпайтиришга зўр беришимиз керак. Ғўзани суғориш, қатор ораларига ишлов беришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Хуллас, август – биз, деҳқону мироблар учун ҳал қилувчи палла.

Боиси, ғўзаларимиз аввал кун санаган бўлса, энди соат санайди. Ҳар бир новдадаги кўсаклар 4-5 тага кўпаяди. Бу ҳар гектардан 10-12 центнер қўшимча ҳосил олиш имконини вужудга келтиради.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

"... Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арздоди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд ва бетараф бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Такрор айтаман, юзага келган бирон-бир муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган кайфият билан юриш жуда катта хато бўлади. Агарки ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бугун ечмаса, эртага кеч бўлади. Раҳбарнинг асосий бурчи ва вазифаси ҳам айнан ана шундан иборат."

Ислом КАРИМОВ.

БИР ДАРЧАГА МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган.

Айнан мурожаат этиш ҳуқуқи фуқаро ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали шаклларидан бири ҳисобланади. Таклиф, ариза ва шикоятлар фуқароларнинг шахсий муаммоларини акс эттирибгина қолмай, мамлакатда ислоҳотлар самарасини ўрганиш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ижтимоий адолатни қарор топтиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шу боис ҳам мурожаатларни ўз вақтида, қонун доирасида кўриб чиқиб, самарали ҳал этиш, мунтазам мониторинг қилиб боришга давлат ва халқ якдиллигини таъминловчи омил сифатида қаралади. Яъни, мурожаатларни ҳал этишда қонунларга қатъий риоя қилиш, бирорта ҳам қонунбузилиши ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслик, хатоларни тезда тузатиш чораларини кўриш юртдошларимизнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

(Давоми 2-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

ва адиблар, туман ҳокимлиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ҳаракатнинг фаол ёшлари иштирок этдилар.

– Жамиятимиз, оила, тўй маросимларимизнинг кўрки, файзи, Ватанимиз равнақи ва ободлиги, баркамол авлод тарбияси, юрт осойишталиги





нуроний кексаларнинг йўл-йўриғи ва дилдан қилган дуолари ижобатидир, – дейди "Саховат" уйи директори Шерали Омонов. – Ибратли кексалари бор юртнинг ёшлари меҳр-оқибатли бўлади.

– Биз кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад миннатдормиз, – дейди "Саховат" уйида яшовчи Арофат Канзафарова. – Кексалари эъзозланган, ёшлари эътиборда бўлган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси тинчлик-хотиржамлик шарофати. Бу кунларни қадрига етишимиз керак.

Шунингдек, тадбир доирасида туманда истиқомат қилаётган 3 нафар ёши улуғ ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш мақсадида улар хонадонига ташриф буюрилди. Улар билан бугунги кун истиқболи, ёшларимиз учун яратилаётган имкониятлар ва кексаларимизга кўрсатилаётган эътибор ҳақида қизғин суҳбат уюштирилиб, фикрлар алмашилди.

Тадбир якунида ҳамкор ташкилотлар томонидан отахон-онахонларимизга эсдалик совғалари топширилди.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.
Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!

ИНСОН БАХТ УЧУН ДУНЁГА КЕЛАДИ

Бугунги тинч-осуда ҳаётимиз осмондан тушмаган, албатта. У давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг илк йиллариданоқ қатъият ва жасорат билан олиб борилаётган оқилона сиёсат маҳсулидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқаридан туриб, миллатлар ўртасидаги тотувликни бузиш, демократия ва эркинлик ниқоби остида дунёқараши турлича бўлган ёшларни миллий, диний ва маънавий қадриятларимизга қарши қўйиш, ҳаётимизга ёт эътиқодсизлик ғояларини илгари суриш, халқни шовинизм гирдобига тортишга қаратилган уринишлар кўп бўлди.

– 1991 йил 9 декабрда Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпорувчи кучлар вилоят идораларидан бирининг биносини эгаллаб олганди, – дейди пенсионер Маматвали Турғунов. – Мен ўша вақтда шаҳар ҳокимиятида сектор мудири бўлиб ишлардим. Қанча уринмайлик, мутаассиб кучларга таъсир ўтказа олмадик. Эртаси куниёқ Президентимиз Ислом Каримов Наманганга етиб келди ва ақидапарастлик ғоялари билан онги заҳарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига бир ўзи шижоат билан кириб борди. Мамлакатимиз раҳбари улар танлаган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини вазминлик билан уқтирди, ўзининг салобати, иродаси, сўзининг қатъияти билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлди.

Бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, барча соҳаларда эришаётган улкан муваффақиятларимиз ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимизда дин ниқоби остида ҳокимият тепасига чиқиб олишни мақсад қилган ақидапараст кучларнинг ғоялари нечоғлик асоссиз эканини исботлади. Президентимизнинг оқилона сиёсати халқимизни қонли фожиалардан, мамлакатимизни турли ғалаёнлар ўчоғига айланиб кетишдан асраб қолди. Бу каби тарихий ҳақиқатлар ҳар биримизни мамлакатимиздаги тинчлик-тотувликнинг қадрига етишга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб яшашга ундайди.

Фаровонлик...

Истиқлолнинг илк йилларидан халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтириш, фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадлар кўзланди. Собиқ тузумдан пароканда бўлган саноат, ишдан чиққан ер ва қийин демографик вазият меросига қолган бўлишига қарамай, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга, саноат ва инфратузилмани ривожлантиришга дадил киришилди. Бир пайтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, саломатлигини тиклаш, миллий генофондни яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағ йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсати – тараққиётнинг "ўзбек модели" халқимизни мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликлардан, моддий ва маънавий бўҳронлардан эсон-омон, беталафот олиб ўтди.

Ана шундай кенг кўламда олиб борилган ислоҳотлар натижалари бугун барча соҳаларда эришилаётган бетимсол ютуқларимизда намоён бўлмоқда.

Юртимизда юксак технологияларга асосланган замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, телекоммуникация ускуналари, маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашмоқда. "Made in Uzbekistan" белгиси туширилган маҳсулотлар халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорига ҳам чиқарилмоқда.

Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли фаровонлигини ошириш учун замин яратмоқда. Бугунги кунда оилаларнинг 94 фоизи холодильник, 84 фоизи ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич ва кондиционерлардан фойдаланмоқда. Мобиль телефонлар, ноутбуклар, тюнерлар, плазма экранли телевизорлар, музлаткич камералар ва бошқа замонавий маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолди.



– Бозоримиз расталари, дўконлар йилнинг тўрт фаслида ҳам турли нозу неъматлар билан тўла, – дейди жиззахлик Низомиддин ота Ҳайдаров. – Исталган вақтда тўрт қадам наридаги савдо растасига чиқамиз-у мева-сабзавотдан тортиб қандолатчилик, нон ва нон маҳсулотлари ёки маиший рўзғор асбоб-анжомларини танлаб харид қиламиз. Бир замонлардагидек, пишиқчилик даврида қоплаб сотиб олиш, қиш учун ўраларга ғамлаб қўйиш ҳақида ўйламаймиз ҳам. "Бугун бор, эртага топилмай қолса, нима қиламан?" деган ташвишимиз йўқ. Бу – кўзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам тўқлигидан нишона.

Мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига мос, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уйлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда.

Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда. Одамлар бунёдкорлик ишларидан четда турмасдан, ўзи яшаётган ва ишлаётган ҳудудини янада кўркам қилишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон – бахтли одамлар мамлакати

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзуида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллагани ҳар биримизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлади, қалбларимизни тўлқинлантириб юборди.

Бу бежиз эмас, албатта. Бугун халқимиз мамлакатимиздаги озод ва обод ҳаётдан, тинчлик-тотувлик, турмушимиздаги фаровонликдан мамнун. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда мамлакатимиз аҳолисининг 98 фоиздан ортиғи ўз ҳаётидан кўнгли тўқ эканини билдиргани бу фикрнинг исботидир. Қувонарлиси, улар халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати бундан-да юксалиб боришига ишонишини, бу йўлда бор куч-ғайратини сарфлашга тайёр эканини билдирган.

Ҳа, бугун инсон бахт учун дунёга келади, деган ибора қалбларимизда акс-садо бермоқда. Бугунимиз кечагидан обод, эртамиз бугунимиздан-да фаровон бўлишига қатъий ишонамиз.

Дилшод КАРИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

Истиқлол иншоотлари

МАРКАЗДА ЯНГИ МАЖМУА

Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш мақсадида вилоятимиз шаҳар ва туманларида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Ангрен шаҳар марказидаги бўш ер майдони ўрнида қад ростлаган "Осиё" мажмуаси мустақиллигимизнинг 24 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Тадбиркор Қаҳрамон Абдуллаев мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда мазкур иншоотни яратилишига ўз ҳиссасини қўшди. Мажмуа минг ўринга мўлжалланган бўлиб, 30 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Фармон ва ижро

ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, бу борадаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс дастур ҳам тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни ташкил этиш ва йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорларга янада кенг эркинлик бериш кўзда тутилган.

"Туркистон-пресс".

Партиялар ҳаёти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши Қибрай туман кенгаши билан ҳамкорликда "Замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш борасида партия тарғибот фаолиятини такомиллаштириш" мавзуида семинар ташкил этди.

ТАРҒИБОТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Семинарда вилоят, шаҳар депутатлари, партия фаоллари иштирок этишди.

– Электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда депутатларимиз фаол иштирок этишмоқда, – дейди туман кенгаши раиси Гавҳар Бекжонова.

Тадбир давомида депутатлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини тарғиб қилишда сиёсий технологияларнинг ўрни ва аҳамияти, электорат манфаатларини ўрганишда бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини кучайтириш борасида фикр-мулоҳаза юритишди.

Семинар сўнгида ўндан ортиқ ёшларга партиянинг аъзолик билетлари топширилди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Август – ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла

ЭКИН ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ



Олма пиш, оғзимга туш, деган билан иш битмаганидек, мўл ҳосил ҳам ўз-ўзидан етилмайди. Бунинг учун бор имкониятлардан самарали фойдаланиб, илғор технологияларни оқилона қўллашимиз керак. Айниқса, шу ойда агротехник тадбирларни белгиланган муддатда бехато бажаришимиз, культивация, чилпиш ишларини сифатли ўтказишимиз, ҳосилни зараркунанда ва касалликлардан асрашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Августда ғўзани суғориш унинг кўсагига вазн, толасига сифат қўшишини ўзимизнинг, қолаверса, қўшни хўжаликлар тажрибаси мисолида ҳам кўп кўрганмиз. Шу боис, биз фермерлардан пахтани ўз вақтида суғориш талаб этилади. Бундай тадбирнинг жуда эрта ёки кеч бажарилиши ҳосилнинг камайишига олиб келиши мумкин. Суғоришни тупроқнинг механик таркиби, сизот сувлар сатҳи, ўсимликнинг ҳолати, навларнинг биологик хусусиятига қараб ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Узоқ йиллик тажрибага эга деҳқонларимиз. "Ғўза майдонларининг ҳар гектарини 5 тонна атрофида маҳаллий ўғит билан суғориш самарадорликни оширади", дейишади. Чиндан ҳам, шарбат ёки компост ғўзага озуқа бериш билан бирга, сувнинг буғланишини камайтириб, унинг тупроққа сингишини яхшилайди, намликни сақлайди. Минерал ўғитларнинг ўзлаштирилишини ошириб, ўсимлик ривожини тезлаштиради. Ҳаво ҳарорати юқори бўлган шу кунларда бу ишни вақтида, сифатли қилишнинг аҳамияти жуда катта.

Пахтадан мўл ҳосил олишнинг яна бири сири – суғоришдан кейин ғўза қатор оралари сифатли культивация қилинишида, деб ўйлайман. Масалан, культивация чуқурлиги 7-8 сантиметрдан ошмаслиги зарур. Агар бу меъёр бузилса, ғўзанинг илдизи шикастланиб, вилт касалига чалиниши мумкин. Агар культивация кечикса, гектаридан 3-4 центнер ҳосил бой берилади. Шу мақсадда муайян юмушларни сифатли бажарсак, ғўза туплари орасида ҳаво алмашинуви яхшиланишини таъминлаган бўламиз. Культиваторларни эгатларга киритишдан аввал қиррали қисмларни махсус мосламалар, трактор ғилдиракларини тўсиқлар билан жиҳозласак, техниканинг шохлар ва ҳосил тугунчаларига зарар етказишини олдини олган бўламиз. Бу ғўзанинг баравж ривожланишига, ҳосилига ҳосил қўшилишига хизмат қилади.

Биласиз, августда ҳаво ҳарорати бироз пасайиб, кечалари салқин тушади. Оқибатда кўсак қуртининг тухум қўйиши, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира каби ҳосил кушандалари кўпаяди. Шундай зараркунандаларга қарши курашиш чораларини янада кучайтириш вазифасини ҳам оби-тобида қилишни унутмасак бўлди...

Экин – деҳқон меҳридан яшнайди, дейишади. Шунинг учун ҳар тонг далага шошиламан, экин ҳолатини кузатаман. 40 гектар майдондаги ғўза ривожи яхши, ҳосил нишоналари тўкис. Насиб бўлса, ғалвир сувдан кўтарилганда хўжалигимиз аъзолари билан юртимиз пахта хирмонига белгиланганидан кўп ҳосил тўкиш ниятидамиз.

Сиз ҳам шу ниятдамисиз? Ундай бўлса, пахта ҳосилига ҳосил қўшинг, экинингизни яхши ситинг, бобо деҳқон!

Саидаброр ХОЛСАИДОВ, Оққўрғон туманидаги "Саидаброр Султон Саид" фермер хўжалиги раҳбари.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

БИР ДАРЧАГА МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Бироқ, ўрганишлар маҳаллий ҳокимлик, давлат бошқаруви, назорат-текширув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда кўплаб қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ваҳоланки, 2015 йилнинг 16 январида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ҳокимликлар, давлат органлари ва муассасаларининг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб берилган.



Шу билан бирга 2014 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, мурожаатларни ҳал этиш борасида бир қатор янги нормалар белгиланди ҳамда Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларга жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишга тааллуқли ўзгартиришлар киритилди.

Айнан шу сабабдан ҳам юқорида қайд этилган Қонун ҳамда мазкур топшириқлардан келиб чиқадиган вазифаларни самарали амалга ошириш талаб этилади.

Чирчиқ шаҳрида 2011 йил 8 августда П. Юсупов кўчаси 2-уйда "Тадбиркорлар ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш" ("Ягона ойна") маркази, шаҳар ҳокимининг 2013 йил 6 декабрдаги "Фуқароларни қабул қилиш хонасини очиш тўғрисида"ги 161-Ф-сонли фармойишига асосан Фуқароларни қабул қилиш хонаси ташкил этилди.

Шу кундан эътиборан жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш, мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида "Тадбиркорлар ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш маркази"да ҳафтанинг ҳар жума кунида шаҳар ҳокими, прокурори, ички ишлар бўлими ва Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, ҳокимлик бўлимлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 40 нафар раҳбарлари томонидан фуқаролар қабул қилинмоқда.



"Ягона ойна" ("Бир дарча") марказида 16 та хизмат кўрсатиш ойнаси мавжуд бўлиб, айни пайтда шаҳар аҳолисига барча турдаги коммунал, солиқ, банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Ҳокимликнинг умумий бўлим мудири З. Миргазиевнинг таъкидлашича, 2013 йилнинг декабридан 2015 йилнинг 7 июлига қадар Фуқароларни қабул қилиш хонасида 988 нафар мурожаатлар қабул қилиниб, қонун доирасида ижобий ҳал этиш вазифаси тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар зиммасига юкланган.

Таҳлилларга кўра, мурожаатларнинг 264 таси коммунал, 121 таси уй-жой, 87 таси моддий ёрдам, 135 таси оилавий, 78 таси қурилиш ва архитектура, 157 таси ХУЖМШлари, 48 таси тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда 98 таси турли бошқа масалалар билан боғлиқ.

Бу мурожаатларнинг 285 таси бўйича тушунтиришлар берилиб, 703 таси юзасидан кўрсатилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун масъул корхона, ташкилот ва шахсларга тегишли топшириқ, кўрсатмалар берилди. 547 нафар фуқаронинг муаммолари ўз вақтида ҳал этилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳуқуқбузарлик ҳолатларига тушиб қолган 75 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, "Ягона ойна" марказидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Ж. Долимовнинг маълумотига кўра, 2015 йилнинг ўтган ойлари давомида "Чирком" МЧЖ 2447, "Чирчиқшаҳаргаз" 7555, "Чирчиқэлектртаъминоти" 7440, "Иссиқлик таъминоти" 5052, "Сувоқова" корхонаси 5080 нафар ва бошқа корхоналар жами 37389 нафар фуқароларга юқорида келтирилган хизмат турлари ҳамда фуқаро ва тадбиркорларга нақд пул ҳисоби бўйича 2 833 000 000 сўм, пластик карточкалар орқали 11 062 000 000 сўмлик банк хизматлари кўрсатилди.

Умуман, Тадбиркорлар ва аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш маркази ва Фуқароларни қабул қилиш хонаси фаолиятидан чирчиқликлар мамнун бўлишмоқда.

Зарифа ЭРАЛИЕВА, Халқ депутаталари вилоят Кенгаши депутати.
Салима ҲАСАН қизи, "Чирчиқ тонги" газетаси муҳаррири.

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Янгийўлнинг Абдулла Ортиқов қишлоғида фаолият юритаётган "Доктор Шамс – Нур" хусусий клиникаси хизматидан кўпчилик миннатдор. Бу ерда аҳолига тезкор, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, санитария-гигиена қоидалари ва тартиб-интизомга риоя этиш асосий ўринда туради. Бино ичкарисидаги боғ ва иссиқхона, мевали дарахт ва гулларнинг барқ уриб туриши ҳар қандай киши руҳиятига кўтаринкилик бахш этади. Амбулатор-стационар клиникага терапевт Аъло Зиёмуддинова раҳбарлик қилаяпти. Бу ерда 2 та жарроҳлик амалиёти, 3 та муолажа хоналари, ЭКГ, УЗИ, бошқа тиббий ускуналар, клиник биокимё таҳлилхонаси, зарсизлантириш хоналари мавжуд.

12 ходимнинг 2 нафари олий тоифали шифокор, биттаси лаборант, бештаси ўрта ва 2 таси кичик тиббиёт ходимлари.

– Клиникада чурра, бавосил, атерома, фиброма каби кичик турдаги жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади, – дейди А. Зиёмуддинова. – 3 ой мобайнида шундай касалликлар билан мурожаат этиб келган 120 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилиб, жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

– Фаолиятимизда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, қон ва сийдик таҳлилларида аниқлик ва тезкорлик биринчи ўринда туради, ишга виждонан ёндашиш талаб этилади. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, хусусан нуронийларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш ва биокимё таҳлиллари бепул амалга оширилмоқда.

Марям АҲМЕДОВА.

Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик шодиёнаси тобора яқинлашиб келаётган шу кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида, қишлоқ, маҳаллаларда, ташкилот, корхона ва муассасалар атрофларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР – РАВОН ЙЎЛЛАР



Жумладан, Ўрта Чирчиқ тумани, Янги ҳаёт қишлоғи ҳудудидан ўтган "Ўзбекистон темир йўллари" акционерлик жамияти Тошкент минтақавий темир йўл узелига қарашли "Тўйтепа" темир йўл станцияси ходимлари ҳам ушбу шодиёналарга муносиб тайёргарликни бошлаб юборишган.

– Ҳозир республикамиз темир йўллари соҳасида кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди станция раҳбари Шерали Тўлаев. – Замон талабларига жавоб берадиган, барча қулайликларга эга янги тепловоз, электровоз ва вагонлар олиб келиниб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўл участкаси қурилиши давом эттирилиб, яқин кунларда ишга туширилиши режалаштирилган.

"Тўйтепа" станциясида ишлар барча қулайлик ва замон талабларига мос келадиган техникалар асосида олиб борилмоқда. Аҳолининг манзилларига бешикаст етиб боришлари учун техника хавфсизлиги чоралари кўрилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Тўйтепа" темир йўл станцияси ходимлари Истиқлол байрамини кўтаринки руҳда кутиб олишмоқда.

Ҳасанботир САМИНОВ.
СУРАТДА: "Тўйтепа" темир йўл станцияси раҳбари Шерали Тўлаев ва навбатчи Бобомурод Камолов.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Хусусан, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида Микробиология институтининг тупроқ микробиологияси лабораториясида самарали микроорганизмлар технологиялари, жумладан, "Fosstim-1", "Fosstim-3" бактериал ўғитлар, комплекс таъсир кўрсатадиган "Rizokom-1" ва "Rizokom-2" биопрепарати, "Biokom" биокомпости ва "Serhosil" биопрепарати каби 6 янги бактериал ўғитлар ишлаб чиқилди.

Буларнинг барчаси тупроқ унумдорлигини ошириш учун фойдали хусусиятларга эга. Масалан, уларнинг таркибидаги фойдали бактериялардан уруғларга экишдан олдин ишлов бериш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, ушбу биопрепаратлар тупроқни тозалаб, соғломлаштиради ва ундаги туз миқдорини камайтиради. Шунингдек, тупроқ микрофлораси ва фаунаси миқдорини кўпайтиради, биохилма-хиллигини таъминлайди.

Чунончи, яшил микро сув ўтлари асосида ишлаб чиқилган "Serhosil" биопрепарати қишлоқ хўжалиги экинларини илдизи ва илдизидан ташқари озиқлантиришга мўлжалланган бўлиб, гўнгдан фарқли равишда зараркунанда ҳашарот личинкалари, фитопатоген замбуруғлар босишининг олдини олади.

Ўсимликларни озиқлантирадиган ушбу биопрепаратдан фойдаланиш минерал ўғитлар ва сув сарфини камайтириш имконини беради. Негаки, микро сув ўтлари тупроқ юзасида яхлит яшил тусдаги қатламни ҳосил қилади.

Фермерлар экологик хавфсиз, энергия ва ресурс тежайдиган, иқтисодий самарали биоўғитларимизга юқори баҳо бермоқда. Бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаларида ишланмаларимизни харид қилиш бўйича қиймати 1,5 миллиард сўмликдан зиёд шартнома ва битимлар тузилди.

Янги биотехнологиялар олтита давлат амалий ва битта халқаро лойиҳа доирасида ишлаб чиқилди ҳамда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди. Учта инновацион лойиҳани амалга ошириш жараёнида улар Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (Тошкент ва Самарқанд вилоятлари), Ўзбекистон пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти филиаллари (Тошкент, Жиззах, Бухоро ва Андижон вилоятлари) ва Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги фермер хўжаликларида жорий этилди.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирмайдиган, аксинча, уни қайта тиклайдиган деҳқончилик табиий, биологик, экологик ва тежамкор фаолиятдир. Энг муҳими, ушбу йўналишнинг келажаги порлоқ.

Гулнора ЖУМАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институтининг тупроқ микробиологияси лабораторияси мудири, биология фанлари доктори. ЎзА.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Одам савдоси

Одам савдоси инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ва келажагига таҳдид солаётган уюшган жиноятчиликнинг бир тури-дир. У чегара танламаслиги, домига ёшлар, айниқса, хотин-қизларни кўпроқ тортиши билан барчада хавотир ва ташвиш уйғотмоқда.

БИЛМАЙИН БОСМАНГ ТИКАННИ

...Очликдан силласи қуриганлиги заҳил юзида яққол акс этиб турган Абдулазиз сўнгги кучини тўплаб, олға интилмоқда эди. Шу топда уни на қорин, на тинкаси қуриган танасига ором бериш дарди қийнарди. Қанийди, мўъжиза юз берсаю, йўловчи машина тўхтаб, уни шу мудҳиш жойдан узоқроққа олиб кетса, кейин бу ерларни умрбод кўрмаса.

Саратон сели қоқсуяк бўлиб қолган вужудини тинмай савалар, оғзи қақраган сари тили катталашиб, томоғини бўғиб борарди. Шу асно қанча юрди билмайди, боши айланиб, кўзи тинди, мадорсиз оёқлари измига бўйсунмай, бутун гавдаси билан йўл четига йиқилди. Ниҳоят, ёнига машина келиб тўхтади. Лекин ундан ҳожатбарор инсон эмас, иккита барзангидек йигит тушиб, Абдулазизни тепкилай кетишди. " Яна қочасанми, қочоқнинг ҳоли шунақа бўлади", дейишарди улар дам-бадам.

Аслида, Абдулазиз яхшигина маош олиб ишлаб юрарди. Уни нима жин урдию, бир куни танишининг: "Четда зўр иш бор, бир неча марта бориб ишлаб келдим, танишларим ҳам бориш ниятида, сен ҳам юр, бир йил ичида янги автомашинанинг пулини ишлаб келасан", деган гапларига лаққа тушди. Шундай қилиб, у танишининг хорижга кетаётган "яқин"лари сафига қўшилди. Уни на ота-онаси, на қариндошлари йўлдан қайтара олди.

Ўз юртингда хонсан, деганлари рост экан. Ватанида керилиб юрган Абдулазизнинг қадами юрти тупроғидан ўзилгач, ўша танишига қарам бўлди-қолди. Паспортини сўраганида индамай узатди, ўтир деса ўтирди, тур деса турди. У шериклари билан бир бойваччанинг сурув-сурув қўйлари, молларини боқди. Таниши бир-икки марта қорасини кўрсатдию, кейин бедарак кетди.

Улар оғир шароитда ишлашар, шунга яраша тўйиб овқатланишмасди. Ойнинг охирида "хўжайин"дан маошларини сўрашганди, ҳақорат эшитишди. "Мен сизларни олиб келган одамга мўмай ҳақ тўлаганман, аввал ишлаб ўша қарзни узинглар, кейин маош масаласини ўйлаб кўраман". Куз, қиш, баҳор ўтди, ёз келди. Тинимсиз меҳнат уларнинг бор кучини суғуриб олди, лекин "қарз"нинг охири кўринмасди. Абдулазиз икки марта қочиб кетишга уринди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади, уни тутиб келтириб, ўласи қилиб дўппослашди.

Охири бир куни уларнинг толеи кулди, қандайдир текширув бўлиб, қўлга олишди, идорама-идора судраб, анча сарсонгарчиликлардан сўнг она юртига қайтариб юборишди.

Абдулазиз Ватан тупроғини кўзига суртиб, йиғлади. Ўзга юртдаги кўргиликлари унга "Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши" эканлигини ўргатди.

Ҳа, одам савдоси инсонни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади, унинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилади. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда бу жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар қилинди.

Жумладан, вилоятимизда ҳам Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят Идоралараро комиссияси томонидан одам савдоси жиноятлари, уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, одам савдосидан жабрланган фуқароларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга тиббий, психологик, ижтимоий ва юридик ёрдам бериш ҳамда бандлигини таъминлаш, вилоят ҳудудида ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси вилоятнинг ҳар бир ҳудудида, таълим муассасаларида, маҳаллаларда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, ИИБ билан ҳамкорликда "Оилаларга кириш", "Саломатлик", "Жамиятчилик профилактикаси" секторлари фаолияти доирасида одам савдосининг олдини олиш ва унинг аянчли оқибатлари, жиноий жавобгарлиги ҳақида аҳоли савдохонлигини оширишга қаратилган давра суҳбатлари ва учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб келмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан норасмий ёки узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган фуқароларнинг рўйхати ички ишлар идоралари, ҳудудий маҳалла жамғармаларидан олиниб ёки соғлиқни сақлаш тизими томонидан аниқланиб, тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилаётир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг одам савдосининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлари ижроси таъминланмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг бари одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларнинг жамиятда тенг ҳуқуқли, эркин аъзо эканлигини ҳис этиб яшашига эришишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Нозима АРСЛОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Давра суҳбати

ХАЙРЛИ ИШЛАР УЧУН ДАВЛАТ ГРАНТИ

Пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Ўзбекистон ННТ Миллий Ассоциацияси, Ёшлар ташаббуси маркази ва "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди томонидан "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш – кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омилидир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда экология йўналишида фаолият юритувчи ННТлар, давлат ташкилотлари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Интернетда миллий сегментизмни ривожлантиришга ёшларнинг кўмаклашиши" ҳамда "Мурувват" уйларида яшовчи қарияларга кўрсатиладиган хизматлар сифати ва даражасини юксалтириш" номли давлат ижтимоий буюртма лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

– "Мурувват" уйларида яшовчи кексалар ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий хизматни яхшилаш орқали уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини кўтариш лойиҳамизнинг вазифаларидан биридир, – дейди "ЭКОСАН" экология ва саломатлик хайрия жамоат фонди бошқарув раиси ўринбосари Комилжон Жўраев. – Лойиҳадан кутилаётган натижа қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари билан таъминлаш орқали "Мурувват" уйларида яшовчи кекса ва ногиронларнинг ҳаёт даражаси ҳамда уларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга эришишдир.

Ёшлар ижод саройи фойесида экологияга оид адабиётлар кўргазмаси уюштирилди ва иштирокчиларга "ЭКОСАН" чоп этган китоблар ҳамда "Экология – саломатлик" газетаси тарқатилди.

Нозима РАҲИМОВА.

Танлов давом этмоқда

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб ўтказиладиган "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга **"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
– тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
– кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг паспорти нусхаси;
– иш жойидан тавсиянома;
– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2014 йилнинг 1 августидан 2015 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Танловнинг вилоят босқичига ҳавола этиладиган ижодий ишлар вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасига, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлимларига юборилиши керак. Телефонлар: 233-68-25, 233-64-95, 250-13-51.

Эгрилик ҳамиша панд беради

ХАТОЛАРИНИ АНГЛАМАГАН АДАШАДИ

Инсон хатоларини тузатиш орқали келажагини қуради. Аммо, орамизда қилмишларидан керакли хулоса чиқармаганлар ҳам учраб туради.

Иброҳимжон Усмонов бир неча бор судланган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2008 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг "г" банди билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, Оҳангарон туман судининг 2011 йил 10 февралдаги аҳримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 8 ой жазо муддати шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган, жазони ўтамаган, ҳеч қаерда ишламайди.

У осон йўл билан бойлик орттириш мақсадида, поччаси Абдуҳамид, вояга етмаган таниши Шомаҳмуд ва Абдурашид билан олдиндан жиноий тил бириктириб, уюшган ҳолда ўзгалар мулкини талон-торож қилишган.

Судланувчи жиноий шериклари билан 2011 йил 8 май куни режа асосида "Болгарка" ускунаси, ниқоблар, пичоқ, арқон, қўлқоп, монтировка, скотч ва кастетлар билан қуролланиб, Сергели туманида жойлашган "ALIMAR" МЧЖнинг ишлаб чиқариш бинолари жойлашган ҳудудида, сейфда сақланаётган деб фараз қилинган 50.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни босқинчилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида корхона қоровули Акмалга ҳужум қилиб, унинг кексалигига қарамай, турли даражадаги тан жароҳатлари етказиб, қасддан ўлдиришади ва 20 минг сўм миқдоридаги пулини чўнтакка уришади.

Бундан ташқари, жиноятчилар "ALIMAR" МЧЖ ҳудудидаги хоналарнинг бирида ухлаётган Анвар ва Қайратни қасддан ўлдириш мақсадида дуч келган жойларига тепиб, уларга ҳам тан жароҳати етказишади. Аммо шовқин-суронни эшитиб келган Шуҳрат ва Ҳамиджон жиноятчиларнинг ниятлари амалга ошишига тўсқинлик қилишади. Уюшган гуруҳ аъзолари воқеа жойидан қочиб, яширинишган.

Бироқ, тезкор тадбирлар натижасида уларнинг қилмишлари фош этилди. Судланувчи Иброҳимга тегишли тартибда жазо тайинланди. У ва унга эргашганлар бугун панжара ортида. Агар у хатоларини вақтида тушунганида эди, ўзи ва бошқаларнинг ҳаётини заққумга айлантирмасди.

Ўткир ДАУЛАНОВ,
Учтепа туман прокурори ўринбосари.

ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектни сотиш қиймати (сўм)
1	"Шарқ" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши	-	-	Қибрай тумани Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	"Шарқ" МЧЖ	4 205 157 000,0
2	"Келес-Шароб" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши	-	-	Зангиота тумани Келес шаҳри, Ўзбекистон-14	"Келес-Шароб" МЧЖ	1 926 788 000,0
3	Жанубий кон бошқармасининг алоқа участкаси биноси	420,62	0,38	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	НКМК Жанубий кон бошқармаси	253 562 400,0
4	2-сонли Ошхона бино-иншоотлари	391,24	0,0391	Бекобод тумани Жумабозор ҚФЙ	"Сарбон" ОАЖ	149 460 000,0
5	Сауна биноси	236,1	0,0236	Одмалиқ шаҳри, Гайдар кўчаси	"Одмалиқ автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинати" МЧЖ	135 833 000,0
6	Нотураржой бино-иншоотлари	724,62	0,10	Ангрен шаҳри, Янгиобод кўрғони, Ғ.Ғулом кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 215 731 000,0
7	Дўкон биноси	420,76	0,05	Ангрен шаҳри, Мактаб кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	725 117 000,0
8	Собиқ "Ўрта Чирчиқ" ОАЖнинг маъмурий бино ва иншоотлари	806,52	0,204	Ўрта Чирчиқ тумани, Дўстлик кўчаси	Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги	363 130 000,0
9	"Қозонхона бино ва иншоотлари"	243,04	0,12	Зангиота тумани, Қўктерак ҚФЙ	Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ИЧБ	165 890 000,0

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномасини тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Газначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХКҚМ ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларига қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

Оммавий оферта савдоси 2015 йил 3 сентябрь куни соат 12:00 да ўтказилади ва шу куни савдолар (талабгорлардан таклифлар келиб тушмаган давлат активлари бўйича) бўлиб ўтмаган давлат активлари савдолари 2015 йилнинг 10 сентябрь ва 17 сентябрь кунлари соат 12:00 да ўтказилади.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) Юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

b) Жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

3. Елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлари:

- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
- инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);
- агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77.

E-mail: raqobat@umail.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт:www.gki.uz,www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг

(0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 24 июлдаги "Республика қон қуйиш соҳаси муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 302-сонли буйруғига мувофиқ Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ҳузуридаги Республика қон қуйиш станцияси Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти тасарруфидан чиқарилди.

Республика қон қуйиш станцияси мустақил юридик шахс мақоми берилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика қон қуйиш марказига айлантирилди.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 25.07.2012 йилда № 006747-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MEGA SOFT FARM" (ИНН 207157506) МЧЖнинг устав жамғармаси 253 242 500 сўмдан 13 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"ESTHER TECHNOLOGY" МЧЖ номига 22.07.2015 йилда Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракатбоши кўчаси, 15-А/2-уй учун нотариал идорага олди-сотди учун берилган № 2232 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан № 006982-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "GREEN TEXTILE INVEST" МЧЖнинг устав жамғармаси 120 000 000 сўмдан 4 736 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

ОҲ, МЕНИНГ ВАТАНИМ БУ...

Вилоятимизда нафақат Ўзбекистон, балки чет элларда ҳам машҳур гўзал масканлар кўп. Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғида жойлашган оромижон оромгоҳлар ёз бўйи болажонлар ихтиёрида. Сервиқор тоғлар, хушҳаво боғлар қўйнида мириқиб дам олаётган Бўка тумани 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бундай фараҳли онларни йил бўйи орзиқиб кутишади. Бу ерда улар она Ватан бағрини, меҳр тафтини ҳис этиб, яйраб ҳордиқ чиқарадилар, янги ўқув йилини соғлом, бақувват, кўтаринки кайфиятда кутиб олишади. Ғамхўр тарбиячи ва мураббийлар эса уларга ота-оналаридек меҳрибон, куну тун атрофида парвона. Мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги куни, келажаги ворисларининг муносиб фарзанд бўлиб вояга етишларига камарбаста.



Болажонларга аталган навбатдаги байрам тадбири "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида эл севган санъаткорлар, адабиётшунослар иштирокида ўтказилди.

Энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида вилоят, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ташаббуси билан уюштирилган тадбирда, шунингдек, соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-, Оққўрғондаги 78-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб-интернатлари тарбияланувчилари билан биргаликда 200 дан зиёд болажонлар иштирок этишди. Ўзининг шўх-шодон, дилкаш қўшиқлари билан мухлислар қалбидан жой олган хонанда Абдурашид Йўлдошевни ўқувчилар давомли қарсаклар билан кутиб олишди. Айниқса, "Бу менинг Ватаним – бу" қўшиғига жўр бўлган болажонлар завқ, шавқининг чек-чегараси бўлмади. Иштирокчиларга ёзилган тўкин дастурхон атрофида байрам шодиёналари давом этди.

Бундай хайрли амаллар Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида давом этаётгани аниқ. Зеро, тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизга, эркин, озод Ватанимизга байрамлар ярашади.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.





Фахрийлар турнири



УСТОЗЛАР ТЎП СУРГАНДА

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Янгийўл туманида футбол бўйича фахрийлар турнири ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган мазкур турнирда Ўзбекистон футбол федерацияси фахрийлар кенгаши ҳамда ҳокимлик вакиллари ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёши улуғ инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлашди.

Турнирда кекса авлод вакилларидан иборат пойтахтнинг "Тонг", Оққўрғон-Чиноз, Янгийўлнинг "Янгийўл" ҳамда Наманган вилоятининг "Навқирон" жамоалари иштирок этишди.

Қизғин вазиятлар, муросасиз баҳсларга бой бўлган ўйинлар ниҳоясида ташкилотчилар мазкур турнирда мағлублар бўлмади, деган фикрни билдирдилар.

Турнир иштирокчиларининг бари ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғаларига эга бўлди.

– Бу ерга келиб, жисмонан чиниқиш, мароқли ҳордиқ чиқариш билан бирга, узоқ йиллар турли соҳаларда меҳнат қилган ва айни пайтда кексалик гаштини сураётган тенгдошларимиз билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик, – дейди Оққўрғон-Чиноз жамоаси аъзоси, 71 ёшли Валижон ота Шерматов. – Бугунгидек тинч, фараҳбахш кунларда шундай турнирлар киши қалбини кўтаради. Ўзини ҳар қачонгидан-да тетик, тийрак ҳис қилади.

Навбатдаги турнир шу йилнинг 11-14 август кунлари Наманган вилоятида ўтказилиши режалаштирилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати.

СУРАТЛАРДА: фахрийлар турниридан лавҳалар.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.



Экология

Бўстонлиқ туманидаги "Зангори олов" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган акция шундай номланди.

ЮРТИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ёшларни маънан етук ва жисмонан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, озодалик ва ободлик каби миллий анъаналаримизни улар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган тадбирда уч юздан зиёд ўғил-қиз иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-улғайиши, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини бойитиш, улар қалбида ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида ўтказилган акцияда атроф-муҳит мусаффолигининг инсон саломатлигини асрашдаги роли, дарахтларни парвариш қилиш тартиби, атмосфера ҳавоси софлигини таъминлашда яшил майдонларнинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи каби масалалар юзасидан атрофлича маълумотлар берилди.

Фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

ЎзА.

Одамийлик шеваси

БИР ГАПДАН ҚОЛСА КЕЛИН

...Унинг уринишлари зое кетмади, "Беш кунлигим борми-йўқми, неварамнинг тўйини кўриб қолай" деб, оёқ тираб туриб олган қизнинг бувиси охири хатосини тушуниб, юмшади. "Эскича фикрлабман, замона ёшларники, неварам ўқишга кирсин, олий маълумотли бўлсин, токи бир кун бувим қаршилик қилгандилар, деб мендан хафа бўлиб юрмасин", деди. Шундай қилиб, эрта никоҳнинг олди олинди.

Матлуба опа кечки тамомдан сўнг шуларни ўйлаб, иш қоғозларини тартибга келтираётганида кўча эшикнинг қўнғироғи жиринглаши. Келини боласини чўмилтираётгани учун ўзи бориб очди. Остонада таниш аёл турарди.

– Сизни тўйга айтиб келдим, – деди у саломалиқдан кейин қўлидаги таклифномани узатаркан. – Тўйнинг бошида ўзингиз турасиз-да энди, сизни опам деганман-а...

Матлуба опа аёл билан хайрлашгач, уйга кирарркан, хаёлидан бундан 15 йил муқаддам бўлган воқеа ўтди. Ўшанда у маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси эди. Бир куни пешиндан кейин идорага ранглари ўчган ёш аёл кириб келди.

– Қайнонам мени сира чиқиштирмайдилар, – деди у кўзига ёш олиб. – Охири, жанжаллардан тўйиб, уйимга кетиб қолдим. Эрим билан ажрашмоқчиман.

Матлуба опа у билан анча суҳбатлашди, насиҳат қилди, икки боласини ўйлаши кераклигини, фарзандларини етим қилиш энг катта гуноҳ эканини тушунтирди ва қайнонаси билан гаплашиб кўришини айтди. "Мени бу ерга келганимни қайнонам билмасинлар, – деб илтимос қилди аёл. – Яна жанжал бўлади".

...Матлуба опа кечга томон Роҳат холаникига йўл олди. "Оилаларни ўрганиб юрибман, – деди маслаҳатчи. – Бугун навбат сизникига эди". Улар анча суҳбатлашиб ўтиришди.

– Келинингиз ҳали ишдан қайтмадими? – деб сўради Матлуба опа дафтарига нималарнидир ёзаркан. – Унга ҳам саволларим бор эди.

– Аразлаб уйига кетиб қолганига бир ой бўлди, – деди Роҳат хола уф тортиб. – Бу биринчи марта эмас, ўзларингиз неча бор яраштириб кетгансизлар. Бироз яхши яшаб туради-да, кейин яна айнийди. Энди бу сафаргиси жуда ўтиб тушди. Ажрашишмоқчи. Шуниси маъқул, бунақада турмуш бўладими, кетиб-келаверганидан кейин ўғлим ҳам кўчага чиқиб кетди, ичиб келадиган қилиқ чиқарди.

Хуллас, Роҳат холанинг ҳасратидан роса "чанг" чиқди.

– Эрталаб туман марказига борганимда келинингизни кўргандим, – деди Матлуба опа. – Бу ҳақда менга ҳеч нарса демади. Яхши ўтирибсизларми десам, "Яхшимиз, қайнонам ҳам жуда яхши бўлиб қолганлар, уй ишларида менга қарашадилар, болаларимга қараб ўтирадилар, она-боладек бўлиб кетганмиз, ойижон – маҳалламиздаги энг яхши қайноналар", деб роса мақтади. Бундан мен ҳам хурсанд бўлиб кетдим.

– А, шундай дедими? – бўшашди Роҳат хола. – Аслида келиним унчалик ёмонмас, ўзим тезроқман-да. Бирпасда лов этиб ёниб кетаман. Сиздан илтимос, келинимни олиб келиб берсангиз. Уйимиз ҳам ҳувиллаб қолди. Невараларимни соғиндим.

Шу куни кеч бўлишига қарамай, Матлуба опа темирни қизиғида босди. Келиннинг уйига борди.

– Сиз қайнонангизни роса ёмонлагандингиз, лекин у сизни кўкларга кўтариб мақтаяпти, – деди у. – Бундай қайнонани қаердан топасиз? Қаттиқ гапирган бўлса, жаҳл устида айтган-да. Бир гапдан қолсангиз, тезда ҳовуридан тушади.

Матлуба опа шундай дея Мунисанинг ота-онасини ҳанг-манг қилди-ю уни болалари билан олдига солиб олиб кетди.

Невараларининг "бувижон" деб бўйнига осилиши Роҳат холанинг юрагини "қанддек" эритиб юборди. Муниса қайнонасининг олдига бориб: "Мени кечиринг, ойижон, айб мендан ўтибди", деди бошини эгиб. Қайнона-келин кўзда ёш билан қучоқлашиб ярашишди. Бундан Матлуба опанинг ҳам юраги тўлқинланиб кетди. Шу-шу бу оиладан кўчага "тиқ" этган товуш чиқмади. Мана бугун Муниса тўйга айтиб келибди.

Матлуба опанинг юраги ширин орзиқди...

Нозима РАҲМОНОВА.

Ташаббус

БАЛЛИ, БУВИЖОНЛАР!

ЎзМТДП Бекобод шаҳар кенгаши "Кексалар доимо эъзозимизда" лойиҳаси асосида "Балли, бувижонлар!" беллашувини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Тадбирдан мақсад, бошқалар қатори кексаларимизни ҳам маънавий қадриятларимизни, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ҳамда фуқаролик жамиятини қуришда яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар қилиш бўлиб, унда шаҳарнинг 50 ёшдан 70 ёшгача бўлган 5 нафар онахонлари иштирок этишди. Яъни, миллий қадриятларимизни, ўзбекона одоб-ахлоқ, оила ришталарини мустаҳкамлашда хонадон кексаларининг ибрати, шахсий намунасини тарғиб этиш ҳам кўзда тутилган эди.

Илк беллашув ЎзМТДП Бекобод кенгаши, "Булоқариқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда "Маҳалла" жамоат фонди билан ҳамкорликда шаҳардаги 20-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилди. Ғоя режаси бўйича бувижонлар бешта шарт бўйича, яъни: таништирув, оилавий муносабатлардаги муаммоли вазиятнинг тўғри ечимини топиш, халқ оғзаки ижодидан намуна ижро этиш (лапар, ашула, эртак, айтишув, ёр-ёр, келинсалом, топишмоқ, Ҳадис, мақол), пазандалик ва эркин мавзуда беллашишди.

Ташкилотчилар режасига кўра, "Балли, бувижонлар!" беллашуви иштирокчиларнинг бой ҳаётий тажрибаларини, фарзанд тарбиясида, оила мустаҳкамлигида, қайнона-келин муносабатларида, бугунги тинчлик ва осойишталикни, фаровон ҳаётни қадрига етишни ёшлар онгига ва қалбига сингдиришда нафақат жамият, балки ҳар бир ота-онанинг шахсий намунаси ва бобо-момоларимиз ўгитларининг ҳам аҳамияти катта эканлигини намоён этишларига имкон яратиш эди. Бу вазифа қойилмақом уддаланди.

Юзга яқин томошабинлар ғайрат, шижоатли бувижонларимизнинг моҳирона ижроларидан баҳраманд бўлишди. Уларни қўллаб-қувватлагани ташриф буюрган фарзандлари, келин ва набираларининг олқишлари даврага янада файз киритди.

Беллашув якунига кўра, шаҳардаги "Истиқлол" тор кўча, 14-уйда истиқомат қилувчи 53 ёшли Ҳанифа Шукурова ғолиб деб топилди. Лекин асосий мақсад ғолибни аниқлаш эмас, балки бувижонларнинг фаол иштироки эди. Шу боис, барча иштирокчиларга ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

ЭЪЛОНЛАР

«Юқори Чирчиқ МТП» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

"Юқори Чирчиқ МТП" очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апреллаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2340-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, жамият акциядорларининг 2015 йил 28 июлда ўтказилган қўшма умумий йиғилиши қарорига асосан "Тошкент вилояти МТП бирлашмаси" АЖга қўшиб олинганлиги ва кейинчалик "Тошкент вилояти МТП бирлашмаси" акциядорлик жамиятининг филиалига айлантирилиши тўғрисида маълум қиламиз.

«Юқори Чирчиқ МТП» ОАЖ кузатув кенгаши.

"Оҳангарон туман МТП" очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

"Оҳангарон туман МТП" очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2340-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, жамият акциядорларининг 2015 йил 28 июлда ўтказилган қўшма умумий йиғилиши қарорига асосан "Тошкент вилояти МТП бирлашмаси" АЖга қўшиб олинганлиги ва кейинчалик "Тошкент вилояти МТП бирлашмаси" акциядорлик жамиятининг филиалига айлантирилиши тўғрисида маълум қиламиз.

"Оҳангарон туман МТП" ОАЖ кузатув кенгаши.

"Оҳангарон туман МТП" АЖнинг қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш маркази томонидан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги эмиссия рисоласи бўйича давлат рўйхатидан ўтказилган 25.12.1997 йилда L0064-2-рақам билан чиқарилган акциялари ҳамда 15.03.2012 йилда L0064-3-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган, 15.03.2012 йилда чиқарилган акциялари чиқарилиши тўғрисидаги қарори йўқолганлиги сабабли бекор қилинишини маълум қилади.

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 04.10.2012 йилда № 006869-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "OSIYO AGRO O'SIMLIK HIMOYA" (ИНН 207161580) хусусий корхонаси тугатилади (асос: таъсисчининг 01.08.2015 йилдаги қарори). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 17.06.2013 йилда Раджаметов Тошпулат Мирзопулатович номига реестр № 5316/241 рақами билан берилган якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BOUNTY TRAVEL" МЧЖнинг ташкилиш-ҳуқуқий шакли "BOUNTY TRAVEL" ХКга ўзгаришини маълум қилади. Даъволар: Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли мавзеси, 1-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3558. Адади 8004. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.